



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**JISMONIY TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO'MITASINING**  
**BUYRUG'I**

---

**Енгил атлетика бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий**  
**В.Андреев хотирасига бағишланган Ўзбекистон очик кубогини**  
**ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йилги спорт мусобақалари календарь режасига асосан ҳамда енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси учун муносиб ўриндошларни саралаб олиш ва иқгидорли спортчиларни аниқлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг 2017 йил 25 майдаги 456-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Енгил атлетика бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий В.Андреев хотирасига бағишланган Ўзбекистон очик кубоги (матнда бундан буён мусобақа деб юритилади) 2017 йил 10-12 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилсин.

3. Мусобақанинг ҳакамлар ва хизматчи ходимлар таркиби 1-иловага мувофиқ, мусобақани ўтказиш сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ 13 539 600 (ун уч миллион беш юз ўттиз тўққиз минг олти юз) сўм миқдорида тасдиқлансин.

4. Иқтисодий таҳлил ва молия бошқармаси (Ж.Холбаев) мусобақа ўтказиш билан боғлиқ харажатларни 2017 йилги спорт мусобақалари календарь режасида белгиланган маблағлар ҳисобидан қопланишини назарда тутсин.

5. Бухгалтерия (Ш.Садиков) Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси ҳисоб рақамига сарф-харажатлар сметасига мувофиқ 5 871 600 (беш миллион саккиз юз етмиш бир минг олти юз) сўм миқдорида маблағлар ўтказилишини таъминласин.

6. Спорт тадбирларидаги барча иштирокчиларнинг овқатланиш харажатлари банк пластик карточкаларига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

